



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2013 йил 7 НОЯБРЬ. ПАЙШАНБА
№ 218 (12.529)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Транспорт – иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Шу боис дунёдаги аксарият мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларидан бўлган автомобилсозликни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири деб билади.



«MAN-UZBEKISTAN»:

МАҚСАД – САМАРАДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Транспорт саноатининг муҳим таркибий қисмларидан бири – юк автотранспортлари ишлаб чиқариш халқ ҳўжалиги тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб келаётган ўзбекистон иқтисодиётида юк ташини автотранспорти муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон автомобилсозлиги миллий иқтисодиётимизни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётди. Бугунги кунда ушбу тармоқ олдида рақобатбардош ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқариш, истеъмолчилар эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва моделларини мунтазам янгиллаш, турли автомобиль эҳтиёж қисмлари тайёрлашни ўзлаштириш каби кенг қўламли вазифалар қўйилган.

Бундай вазифаларни давр талабига кўра ва автомобилсозлик технология жўхатдан ривожланган мамлакатлар таърибасидан фойдаланган ҳолда, ҳамкорликдаги сўй-ҳаракатлар билан ҳал этиш мақсада мувофиқдир. Яқинда ташкил этилган «JVMAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон – Германия қўша корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қўватига эга замонавий ва ишончли MAN юк машиналари ишлаб чиқарилимоқда.

Қурилиш қандай бошланган

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 16 февралда қабул қилинган «Оғир юк кўтарадиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича

чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси қурилишига асос солинди.

Самарқандда атиги олти ой ичида MAN дилерлик ва сервис маркази ташкил этилди. Кисқа вақт давомида оғир юк кўтарадиган автомобилларни техник қўриқдан ўқатиш ва таъмирлаш, механик, электр техник ва шиналарни монтаж қилиш ишларини амалга ошириш учун замонавий сервис корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу иқтисослаштирилган марказ бир йилда 1,5 мингдан ортиқ юк автомобили ва махсус техникани таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Келажақда бу кўрсаткич йилга 4 мингга юк автомобили ва автобусга етказиш кўзда тутилаётди.

Бундан ташқари, унинг ҳўзурида ташкил қилинган тайёрлов ва малака ошириш марказида юк автомобилларига сервис хизмати кўрсатадиган механик ва чилангарлар ўқитилмоқда. Бу ерда хавфсиз ва самарали бошқариш бўйича MAN ProfiDrive махсус дастури асосида оғир юк кўтарадиган техника хайдовчилари тайёрланмоқда. Хайдовчиларни ушбу тизим асосида ўқитиш эса ёқилганин 20-30 фоизини тежаш, ҳаракатларини руви қисмлар ва трансмиссия элементларининг хизмат муддатини узайтириш, автомобилни хавфсиз бошқариш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

ҲАМКОРЛИК

МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мажлисда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва парламентаризм каби кўплаб йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан сиёсий мулоқотни ривожлантиришга ва барча соҳалардаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади. Икки томон ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1999 йилда «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси ташкил этилган.

Утган вақт мобайнида парламент қўмитаси икки томонлама алоқаларини барча йўналишлари, жумладан, иқтисодиёт, сиёсат, хавфсизлик, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва фуқаролик жамиятларини демократлаштириш соҳалари бўйича конструктив мулоқотни йўлга қўйди. Бундай бевосита мулоқот икки томоннинг ўзаро мунтазам алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар изчил ривожланиб бормоқда, – деди «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси хаврачиси, Европа Парламенти делегацияси раҳбари Паоло Бартолоцци (Италия). – Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги етакчи мамлакатлардан. Ўзбекистонда демократик институтлар фаолиятини такомиллаштириш борисида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак эътирофга

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

сазовордир. Қўмитанинг аввалги мажлисларида эришилган келишувлар иқтисодий таъминлаш бўйича Ўзбекистонда улкан ишлар амалга оширилганини қайд этишни истардим. Ўзбекистонда таълим соҳасини ислох қилиш борисида катта ютуқларга эришилаётгани бизни қўноттиради. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан турли йўналишлардаги ўзаро муносабатларни янада раванк топтиришдан манфаатдордир.

Тадбирда Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш борисида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг йил сайин ошиб боришига ва чет эл сармоясини янада кўпроқ жалб этишга эришилаётгани қайд этилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида ўқатилаётган ҳўжумий эксперимент Европа Парламенти делегацияси аъзоларида алоҳида қўзғиш уйғотди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистонда ва Европа Иттифоқи мамлакатларида демократлашуш ва конституциявий ривожланиш жараёналари самарадорлигини ошириш бо-

расида икки томон ўртасида ўзаро таъриба алмашувини фаоллаштириш ва конструктив ҳамкорлиқни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

– Ўзбекистонда Европа Иттифоқи билан ҳамкорликдаги қўша лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани эътиборга молик, – деди «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси аъзоси Катари́на Неведелова (Словакия). – Ўзбекистон таълим тизимидаги юксак самаралардан бири – 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтилгани ҳам Европа Иттифоқи томонидан юқори баҳоланмоқда. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борисида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани бизни жўда қўноттиради.

Мажлисда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар, хўсусан, ижтимоий-иқтисодий, сармоявий, молиявий ва ҳўқуқий соҳадаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш ҳамда минтакавий ва халқаро аҳамиятга молик трансҳёгаравий экологик муаммоларни бартараф этишга доир қатор долзарб масалалар муҳқам қилинди.

Ирода УМАРОВА,
Ўза муҳбири

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Португалиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Парижда) Рашид Усмонов мазкур мамлакат Президенти Каваку Силвага ишонч ёрлиқларини топширди.

Маросим доирасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида К.Силва ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон – Португалия муносабатларининг замонавий ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантиришнинг истиқболларига ижобий баҳо берар экан, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, турли йўна-

лишларда биргаликдаги сўй-ҳаракатларни фаоллаштириш учун салоҳиятнинг мавжуд эканлигини қайд этди.

Португалия Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ҳамда Ўзбекистоннинг барча халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар изхор этди.

“Жаҳон” АА.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъект-

ларининг экспортни кўлаб-қувватлаш жамғармасининг мақсад ва вазифалари ҳамда жамғарма томонидан экспорт салоҳиятини оширишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзўида матбуот

анжумани бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** «Янгиобод» иштирослашган бозорда «Жамият тараққиётида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзўида учрашув ташкил этилди.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳўқуқли субъекти сифатида мустақил, изчил ва ташаббускор ташқи сиёсат юритиб келаётган суверен давлатдир. Ўзбекистон олтимишдан ортиқ нуфузли халқаро ва минтакавий ташкилотлар, шу жумладан, МДХ аъзосидир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 144 мамлакат тан олган, 131 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Дунёнинг 46 давлатида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар, консулликлар), Тошкентда эса олтимишдан ортиқ элчихона ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда бутун дунёда ушбу барқарор тараққиёт, тинчлик-парвар халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликка раҳна солиши мўмин бўлган хавф ҳамда таҳдидлар кўчамоқда. Жаҳоннинг турли минтакалари, шу жумладан Ўзбекистон атрофида зиддиятлар кўчамоқда, қўролли тўқнашув ва низолар кескин тус олмақда. Президентимиз Ислам Каримов МДХ давлат раҳбарларининг Минскда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида «бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, қўларни глобал ва минтакавий жойлаштириш борисидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узок давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида уч долзарб масалани кўтарди. Биринчиси – МДХнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, истиқбол ва келажақнинг қандай тасаввур этишимиздан иборат. Эеро, МДХ – Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва сиёсий манфаатлари маконидир. Бу эса қўпгина омиллар билан боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, Ҳамдўстлик унга аъзо ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига раҳна солиши мўмин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифок ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борисида кенг имкониятлар яратмоқда.

«Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафқураси нафакат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки ушбу жараён миллий чегара билмаслиги ҳақида гапиришнинг ҳўжати йўқ, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. – Айнан шу сабабли МДХга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай қўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига қўмақлашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур».

Турли қўринишдаги экстремизм дунёнинг кўплаб минтакаларида барқарорликка жиддий хавф солимоқда. Диний экстремизми тарғиб қилиш бундай ташкилотлар сафига террорчиларни жалб қилиш учун мафқуравий восита вазифасини ўтамоқда. Шу боис экстремистик ташкилотлар фаолиятини, биринчи навбатда, ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Сўнгги йилларда дунёда наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб, уларни истеъмол қилиш микёси кенгайиб бормоқда. Наркомафия катта иқтисодий салоҳиятга эга глобал қўча айланмоқда ва унинг молиявий имкониятлари дунёнинг кўплаб давлатлари бюджетидан анча юқориридир. Халқаро наркомафия бекор ҳудудлар, янги тўқнашув ва низоларнинг пайдо бўлиши, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий кескинлигининг узок давом этишидан манфаатдордир. Ҳар бир бекорор, нотинч мамлакат эса наркобизнес ва наркотрафик учун «ишончли бозор» ҳисобланади.

Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамият доирасида ҳар томонлама ҳамкорликнинг глобал тизимини яратиш орқалигина амалий натижаларга эришиш мўмин. Президентимиз таъкидладики, бир ҳақиқат барчага аён бўлиши керак: ҳеч бир одам, ҳеч бир мамлакат бутун инсониятга хавф солаётган терроризм, радикализм ва экстремизмни тағ-томири билан йўқотиш йўлидаги курашда четда турмаслиги зарур.

МДХнинг Минск саммитида жиноятчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айлиниши қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши, шўбхасиз, Ҳамдўстликка аъзо барча давлатларнинг узок муддатли хавфсизлик манфаатларига мос келади.

Иккинчи масала – бу 2014 йилнинг охирига қадар Афғонистондан АЙСФ тинчликпарвар қўларининг чиқарилиши, шак-шўбхасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлади.

Бугун дунёдаги аксарият мамлакатлар ва халқаро экспертлар ҳамжамияти афғон муаммосини ҳал этишнинг яқин йўли – бу, ҳафқош Афғонистон давлати муаммоларининг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида БМТ шафелигиде музокаралар ўтказиш ва муросага келиш зарур, деган ҳўлосага келмоқда.

Ўзбекистон географик, геосиёсий ва геоиқтисодий омилларга кўра Афғонистон билан қўшни давлатлар орасида муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қўмақлаш, минтақадаги тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Афғонистондаги зиддиятни ҳал этишга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ёчимларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

✓ **КЕЧА** Олмазор политехника касб-хўнар коллежида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «ОИТСнинг олдини олиш»га бағишланган тадбир ўтказилди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Форумда вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, солиқ бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси фаолияти юзасидан жамоатчилик эшитувини ўтказилди.

• Андижон вилояти Бўз туманидаги «Гулмурод замини» фермер хўжалигида кузги ғаллани сўғоришни сифатли ташкил этиш, сувдан умумий фойдаланиш ва сўғоришда янги технологияларни қўллаш масалаларига бағишланган кўрғазмали семинар бўлиб ўтди. Кишлоқ ва сув хўжалиги тизими ходимлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда мавзў доирасидаги масалалар атрофича муҳофаза қилиниб, сўғоришда илғор технологияларни қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

• Ёш истеъод ва иқтидор соҳибаларини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб деб топилган 95 нафар киз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича ўз салоҳияти ва маҳоратини намойиш этди.

• Наманганда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга бағишланган ўқув-тренинг ўтказилди. Унда Республика Маънавий тарғибот маркази вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистон Шрихарикота оролидан Марсга ўз ракетасини учирди. У «Қизил сайёра»да тадқиқотлар олиб боради. Манбага кўра, космик аппарат дастлабки босқичда Ер орбитаси яқинида ҳаракатланади. 1 декабрдан бошлаб эса Марс томон учини босилади ва бир йилдан кейин манзилга етиб боради.

• Еврокомиссия ягона валюта бирлигига кирувчи давлатларда жорий йил якуни бўйича қўтилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳамда бандликнинг аҳволига оид прогнозларини салбий томонга ўзгартирди. Таҳлилчиларнинг фикрича, иқтисодиётда ўсиш қузатилмайди, вазият 0,4 фоизга пасаяди. Ишсизлик даражаси эса 12 фоиздан юқориликка қолади. Фақат 2014 йилдагина вазият бир оз яхши томонга ўзгариши мўмин.

• АҚШнинг Висконсин штати осмонда иккита унчалик катта бўлмаган самолёт тўқнашиб кетди. Воқеа тахминан уч минг метр бандликда юз берган. Ўша вақтда самолётларда парашютчилар бўлган ва улар дарҳол сакрашни амалга ошириб, омон қолишган. Фалокат оқибатида лайнерлардан бирида ёнғин келиб чиққан. Унинг учувчиси катапультадан фойдаланиб, жонини сақлаган. Иккинчи самолёт эса ерга фавқулодда қўндирилган.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Президентини ҳали 1993 йилининг сентябрыда БМТ Бош ассамблеясининг юксак минбаридан туриб, Афғонистондаги мавжуд вазият ўзаро курашадиган гуруҳлар ўртасида мулоқот ўрнатиш учун мувофиқлаштирилган халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилаётганини таъкидлаган эди. 1997 йилда Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ шафелигида «6+2» (Покистон, Эрон, Хитой, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда қафил мамлакатлар – АҚШ ва Россия) мулоқот гуруҳи ташкил этилди. Ушбу гуруҳ фаолияти самарасида 1999 йил 21 июлда ўзаро курашадиган томонлар иштирокчида Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишни асосий принциплари тўғрисидаги Тошкент декларацияси имзоланди.

Ушбу ташаббуснинг давоми сифатида 2008 йилда Ўзбекистон Президентини томонидан «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш тақдирини илгари сурилди. Мазкур босқичда мавжуд воқеалик эътиборга олинди, бу гуруҳ таркибига қўшимча равишда НАТОни ҳам киритиш, мулоқот гуруҳи фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифасини БМТ Бош қотиббининг Афғонистон бўйича махсус вакили зиммасига юклаш тақдирини қўйди. Ушбу гуруҳнинг мақсади Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича муаммоларни ҳал этишни тинч ва мақбул йўлини топиш учун сай-ҳаракатларни бirlaштиришдан иборат эди.

Ўзбекистонда Афғонистонни тиклаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, хусусан, йўл қурилиш ва йўлларни таъмирлаш, электр энергетика тизими, темир йўл қурилиш, тоғ-кон sanoati, таълим, мутахассислар билан алмашиш соҳасида катта тажриба тўплаган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ўзаро савдо анча кенгайди.

Мамлакатимизнинг ёрдами билан Афғонистонда кўприклар, юкори вольтли электр линиялари, оптик-толали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилди. Айниқса, узунлиги 75 километрдан иборат дастлабки Хайратон-Мозори Шариф темир йўлининг қурилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан

ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий амал қилади, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Яна бир муҳим масала – бу МДХ маконида мамлакатларнинг барқарор иқтисодий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришдир. Ўзбекистон 2013 йил 31 май кўни МДХ доирасида Эркин савдо зонасини ташкил этиш шартномасига қўшилди. Ўзбекистоннинг МДХ эркин савдо зонасига қўшилиши айна пайтда иқтисодий сиёсатнинг мақбул вариантдир. Бизнесни қўриштиш учун нафақат қулай ишбилармонлик муҳити, балки товарларни сотиш имконияти мавжуд бўлиши ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, МДХ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтирмоқда ва чуқурлаштирмоқда. Масалан, 2012 йилда мамлакатимизнинг ҳамма экспортини 13,1 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, шунинг 70 фоиздан ортиғи ноҳомаш тайёр маҳсулотлар улушига тўғри келди.

Ислам Каримов Ҳамдўстлик эркин савдо зонаси самарадорлигини ошириш учун товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга оширишни тақдир қилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаққимизнинг қон-қонига сингиб кетган «Бизга тинчлик ва хотиржамлик керак» тамойилини амалга ошириш барчамиз учун долзарб вазифадир. Давлатимиз раҳбарининг МДХ Минск саммитидаги нутқида ушбу ҳаётбахш ғоя ўз ифодасини топган. Зеро, тинчлик ва осойишталик, ҳаққатан ҳам, бебаҳо неъматдир, иқтисодийётимизни янада тараққий эттириш, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини оқсатириш, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфасини ўзгартириш ҳамда ободонлаштириш кафолатидир.

Ахмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати
(ЎзА)

Пойтахтимиздаги «Shodlik palace» меҳмонхонасида «Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси, шаҳар давлат солиқ бошқармаси масъул ходимлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, туманлардаги ахборот-маслаҳат маркази ходимлари, тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар иштирок этди.

Маълумки, юртимиз мустақиллигининг дастлабки кўнаридан бошлаб тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишловлардан изчиллик билан амалга оширилмоқда. Тадбиркорликка оид бир неча қонун ва қонунности ҳужжатларнинг қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий этилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг муҳим

омилига айланапти, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари бўлими бошлиғи Бегзод Ибрагимов. — Мазкур тадбирда шахримизда фаолият олиб бораётган илгор тадбиркорлар ўз иш тажрибаларини коллеж битирувчилари билан ўртоқлашишмоқда. Тадбиркорликка қизиқиши бўлган ёшларни бу соҳага жалб этиш мақсадида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳар доим тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келади.

Семинарда солиқ ва молиявий ҳисоботларни янада қисқартириш юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, солиқ имтиёзлари тўғрисида, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича ЎзЛиДеп Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида, лицей ва коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритишда яратилган имконият ва имтиёзлар, шу билан бирга бошқа соҳа вакилларининг маърузалари тингланди. Бундан ташқари тадбирда тадбиркорларни қизиқтирган барча савол ва тақлифлари муҳокама қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)
Ривожланиш

2012 йилнинг июль ойида Самарқандда тягач, шасси ва махсус техника ишлаб чиқарадиган янги заводнинг ишга туширилиши Ўзбекистонда MAN русумидаги техника ишлаб чиқариш ва сотишдан кейин хизмат кўрсатиш бўйича универсал комплексни ташкил этишнинг иккинчи босқичи бўлди.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Ёлқин Қобулиёзовнинг таъкидлашича, 2011 йил охирида корхонанинг ишлаб чиқариш линияси атиги тўрт русумдаги юк машинасидан иборат бўлган бўлса, бугун 50 турдан ортиқ махсус юк машиналари ва махсус техника ишлаб чиқарилаётди. Компания бундан кейин ҳам турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришда миксизларнинг истаklarини алоҳида эътиборга олади.

Айниқса, корхонада ишлаб чиқарилаётган автокранлар, борти машиналар, изометрик фурунлар, сув ташиш машиналари, комбинацияланган йўл машиналари, канал тозалаш машиналари, бетон қорғич, бугдой, пахта ва чикинди ташиш машиналарига талаб катта.

Жерий йилда корхонада 25-30 тонна юк кўтарадиган самосваллар, комбинацияланган йўл машинаси, 25м³ сийғимга эга FAUN чикинди ташиш машинаси, 6 ва 8 м³ сийғимга эга Betamix миксерлари ҳамда 35 м³ сийғимга эга цемент ташиш машинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

MAN юк машиналарининг қудратини автомобиль ва темир йўлларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шаҳарлараро юк ташишда қўриш мумкин. Улардан «Узавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, GM Uzbekistan, «Махсустранс» давлат унитар корхонаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Чирғен» логистика маркази, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» оёқ акциядорлик жамияти, «12-трест» қурилиш компанияси, «Бекободдормент» оёқ акциядорлик жамияти, Навоий ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ва бошқа қўллаб-қорғалган, жумладан, хусусий компаниялар самарали фойдаланмоқда.

Заводда ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгайиб бораётди. 2010 йилда корхонада 480 дона юк машинаси ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 658, 2012 йилда мингдан ортиқини ташкил қилди. «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганидан бўён бу ерда 3100 дан зиёд замонавий юк машинаси ишлаб чиқарилган.

Бугунги кўнда Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бўхоро, Қарши ва Ўрганиш шаҳарларида жойлашган корхонанинг тўқузта дилерлик ҳамда сервис марказида заводда тайёрланган MAN юк машиналарини харид қилиш мумкин ва уларда сифатли техник хизмат кўрсатишмоқда. Юқин вақт ичида бундай марказлар мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» автомобиллари мустаҳкамлиги, тежамкорлиги ва ишончилиги билан ажралади турди. Компания ишлаб чиқарган маҳсулотни учун икки йил кафолат беради. Бу эса истеъмолчи учун низоҳатда муҳимдир. Шу боис корхонада тайёрланаётган техника конвейернинг ўзидеб сотилмоқда. Бунга Самарқандда жойлашган MAN техникасини ишлаб чиқариш ва сотишдан кейин хизмат кўрсатиш бўйича универсал комплекс барқонимда ишонч ҳосил қилдим.

Корхона фаолият бошлаганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб ўзининг мингичини юк машинасини ишлаб чиқарди. Бу корхона жамоаси ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Улар MAN юк автомобилларига талаб кўн сайин ортиб-бораётгани боис хали қилинадиган ишлар қўлигини яхши билади. Экспорт қўлими ҳам кенгайиб бораётди. Самарқандда ишлаб чиқарилган юк машиналари Озарбойжон, Афғонистон, Қозоғистон, Туркменистон ва бошқа давлатларга етказиб берилади.

Жерий йил кўзда «MAN Truck and Bus AG» компанияси бош ижорчи директори Андреас Олоф Нильсен раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Концерн раҳбариятининг ташрифиди давомида мамлакатимиз ва минтақада «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасида MAN юк автомобилларининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишлари ҳам бошланди. Айни пайтда маҳаллийлаштирилаётган деталларнинг бир қисми Германияда MAN талабларига мувофиқлиги бўйича синовдан ўтказилмоқда.

Маҳаллийлаштириш янада ривожлантириш мақсадида шу йил 11 октябрда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида «MAN автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» мавзусида тақдимот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган компанияларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида тайёрлаш режалаштирилаётган деталлар рўйхати билан таништириш учун ташкил этилди.

Ушбу тадбирда MAN юк машиналари учун маҳаллийлаштириш тақдир этилаётган маҳсулотлар рўйхати билан танишиш мақсадида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида GM Uzbekistan ва SamAuto автомобиллари бутловчи эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқараётган икки юздан зиёд қўшма ва хусусий корхона раҳбарлари ҳамда техник мутахассислар иштирок этди.

Технологиялар

Самарқандга қираверишда MAN сервис ва дилерлик маркази ҳамда йиғиш заводининг замонавий корпуслари қўзга ташланади. Бу марказ бинолари шакиlining ўзига хослиги, атрофи чи-



ЎзА олган суратлар

ройли қилиб безатилгани, энг муҳими, ҳовлида истеъмолчиларга ҳўнатиш учун тайёр қилиб қўйилган MAN юк машиналарининг тизилиб туриши барчаннинг эътиборини ўзига тортади. MAN саноат комплексининг умумий майдони 44 гектардан иборат. «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси йилга 3 мингдан зиёд юк автомобилли ишлаб чиқариш қувватига эга. Келгусида бу ерда иккинчи йиғиш линиясини ишга тушириш ва бир йилда 8

меҳнат қилаётди. Улар орасида ёшлар ҳам қўпчилигини ташкил этади. 2013 йилда 45 нафар касб-ҳўнар коллежи битирувчисини жиддий синов ва танловдан ўтиб, ишга қабул қилинди ва яна 120 нафарга яқин талаба амалиёт ўтади.

Корхона кадрлар тайёрлаш масаласи юзасидан Турин политехника университети, Самарқанд автомобилсозлик ва Жомбой транспорт касб-ҳўнар коллежлари билан ҳамкорлик қилмоқда, истеъдодли ёшларни иш билан таъминламоқда.

Улардан бири Зокиржон Зарипов бу йил Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳўнар коллежини битирди, «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасига ишга қабул қилинди. Унинг айтишича, танловдан ўтиш жуда қўйин бўлган. Негаки, бундай замонавий корхонада ишлаш истагида бўлган ёшлар кўп. Бугун у йиғиш ҳовлида меҳнат қилмоқда ва ўз ишидан мамнун.

Дарҳақиқат, заводда меҳнат маданияти юкори, ишчи-ҳодимлар ўзаро ахил ва саримий. Шунинг учун ҳам жамоа

MAN бренди остида чиқаётган маҳсулотдан истеъмолчи мамнун бўлиши ва муносиб баҳолаши учун унинг сифати юкори бўлишини таъминлаш масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда самарали меҳнат қилмоқда.

Корхонанинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати юкори ишлаб чиқариш стандартларини сақлаш имконини бераётди. Махсус иш қийими, иссиқ оқват, тиббий ёрдам билан таъминлангани, мунтазам малака ошириш ва рағбатлантириш бориш йўлга қўйилган жамоани янада самарали меҳнат қилишга ундаб, иш унумдорлигини оширишга ёрдам бераётди.

Маҳаллийлаштириш — давр талаби

Самарқандда сафар давомида «Узавтосаноат» акциядорлик компаниясининг «UzAuto Trailer» шўбча корхонасида ҳам бўлдим. Ушбу завод қурилиши Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплексини барпо этишнинг яқиний босқичи бўлди. Корхонанинг асосий вазифаси кузов ва ярим тиркачалар, контейнер, автомобиль ташиш машиналари, тентли ярим тиркача ва бошқа техника ишлаб чиқишдан иборат.

Айни пайтда бу ерда самосвал кузовлари ишлаб чиқарилмоқда. Тентли тиркача ва ярим тиркачалар синов тариқасида ишлаб чиқарилаётди. Натюқада MAN заводда йиғилган шассилар янги корхонада жиҳозланиб, конвейердан тайёр самосвал ва тентли фурунлар қўриқлишида истеъмолчиларга етказиб беришмоқда.

Заводнинг ишлаб чиқариш майдонларида металлга, листли ва профил прокатта ишлов берилиб, MAN шассисидagi усти ёлпақ ва тиркача техникани пайвандлаш, монтаж қилиш ишлари амалга оширилиб, тайёр техника синовдан ўтказилмоқда.

Ишлаб чиқариш майдонининг катта қисмини листли ва профил металл прокатини кесмиш ҳамда унга ишлов бериш участкаси ташкил этади. Бу ердаги ускуналар ўзининг улканлиги билан кишини ҳайратта солади. Технологик жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Махсус таълим олган ёшлар мураккаб конструкцияларни мунтазам кузатиб боради. Улар ўз ишини алоҳида даражада удралаётгани тўғрисида ҳар бир детал пухта тайёрланади. Масалан, Оқдарё сервис касб-ҳўнар коллежи битирувчиси Наврўз Бахромов яқинда механика-йиғиш цехига қилангар бўлиб ишга кирди. У коллежда ўқиш давомида эгаллаган назарий билиминини бу ерда амалда самарали қўлламақда.

Юксак технологияли ишлаб чиқариш, сифатли техника, юкори ўсиш суръатлари ва ривожланиш истиқболига эга оғир юк автомобиллари ишлаб чиқараётган замонавий «JV MAN Auto-Uzbekistan» ва «UzAuto Trailer» корхоналари мамлакатимиз иқтисодийётининг янги тармоғини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА махсус мухбири

ОИЛА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор», деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг асосий бўғини бўлиши оила институтини янада мустаҳкамлаш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш мақсадида кенг қўллами аниқ чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Натюқада оила ва вояга етмаганлар ҳуқуқий ҳимоясининг кафолати йилдан йилга кучайтирилмоқда.

Маълумки, Конституциянинг 63-моддасига қўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг истиёрли розилиғи ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Оилани мустаҳкамлашга қаратилган мазкур конституциявий нормани ҳаётга тўла таъбиқ этиш ва қонун ҳужжатларида янада ривожлантириш мақсадида ўтган йиллар мобайнида бир қатор зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1998 йилда Оила кодекси қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони билан бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, бугунги кўнда янада тақомиллашган тарзда амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниб, махсус Давлат дастури билан қатор ташкилий ишлар бажарилиб.

Жамиятимизнинг маънавий негизлари, азалий миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб, никоҳлануви ҳақларининг жисмоний ва маънавий етук, керак бўлса моддий жиҳатдан мустақил бўлишига имконият яратиш мақсадида Оила кодексига никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни ҳўловчи оиланинг илтимосига қўра никоҳ ёши қўйи билан бир йилга камайитирилиши мумкинлиги қатъий белгиланган.

Амалий шун кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда жамиятда оила қуриш маданияти ҳамда фуқароларда оилавий муносабатларни шакллантиришга бўлган шахсий жавобгарлик ҳисси ошиб бормоқда.

Шунга қарамай, айрим ҳолларда белгиланган никоҳ ёшига етмаган, яъни ҳали жисмонан тўла ривожланмаган, маънавий жиҳатдан оилавий муносабатларга киришмишга тайёр бўлмаган 15, 16 ёшли шахсларнинг ўзининг ҳўхши, баъзида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг талабига қўра эрта оилавий муносабатларга киришишлари кузатишмоқда.

Натюқада баркамол бўлмаган оилаларнинг қурилиши, оиланинг пасту балигани билимадиган ёшларнинг, керак бўлса ёш оилаларнинг эрта ажрашиб кетишлари каби миллий қадриятларимизга хос бўлмаган салбий ҳўлатлар юзатга келмоқда. Шунингдек, қўзларнинг эрта оилавий муносабатларга кириши уларни академик лицей ва касб-ҳўнар коллежлардаги мажбурий таълим билан қараб олиш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай ҳўлатларга барҳам бериш ва унга қарши курашишни кўрсатириш мақсадида Жўноят кодекс (125-модда билан) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (47-модда билан) «Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» номли янги модда билан тўлдирилди.

Унга қўра, биринчидан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришган шахслар, дастлаб МЖКга янги киритилган 47-модданинг биринчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиши, шундай қилиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жўноят кодексига янги киритилган 125-модданинг биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлади. Масалан, 19 ёшга кирган йиғит умумий асосларда 16 ёшга кирмаган кўз билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришган ҳўлатда йиғитнинг ҳаракатлари дастлаб маъмурий жавобгарликка, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин эса жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг фикрига қўра, эрта турмуш қўриш она ва боланинг соғлиғига пўтур етказиш ҳафтини оширади. Биринча, 2011 йилнинг ўзида эрта қурилган никоҳдан 30 дан ортиқ ногирон ва бошқа жисмоний нуқсонли бўлган болалар туғилганлиги ҳам ушбу масаланинг нақадар жиддий эканлигини кўрсатади.

Иккинчидан, баъзи ҳўлатларда қўзлар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар талаби билан эрта эрга бериб юборилмоқда. Шу боис, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёки ўйлантирилганлик учун, дастлаб МЖКга янги киритилган 47-модданинг иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиши, шундай қилиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жўноят кодексига янги киритилган 125-модданинг иккинчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Масалан, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс 17 ёшга кирмаган ўғлини ўйлантирса ёки 16 ёшга кирмаган қўзини эрга берса уларнинг ҳаракатлари дастлаб маъмурий жавобгарликка, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин эса жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Учинчидан, афсуски баъзида, никоҳ ёшига тўлмаган қўзлар билан ФХДЕ органларидан рўйхатдан ўтмасдан, диний расм-рўйхатларга биноан никоҳ тузиш маросимини ўтказиш ҳўлатлари ҳам учрамоқда. Хўссан, 2011 йилда 486 нафар никоҳ ёшига етмаган қўзлар ҳудди шундай тартибда, яъни шаръий никоҳ орқали эрга бериб юборилган.

Шу боис, бундай ҳўлатларга ҳам чек қўйиш мақсадида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимини амалга оширилганлик учун дастлаб МЖКга янги киритилган 47-модданинг учинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиши, шундай қилиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жўноят кодексига янги киритилган 125-модданинг учинчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Умуман олганда мазкур Қонун билан никоҳ ёшига етмаган шахслар ўртасида никоҳ муносабатларини тузилишига алоқдор шахслар, яъни йиғит ва қўзининг ўзи, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда никоҳ тузишга доир диний маросимини амалга оширувчи шахсларнинг авваломбард ноқонуний никоҳ тузилишининг олдини олишдаги, қолверса, баркамол бўлмаган оиланинг қурилишига жиддий ёндашиш борасидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, эрта никоҳ тузиш учун жавобгарлиқнинг белгиланиши халқаро стандартларга ҳам мувофиқ келади. Хўссан, аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги Декларациянинг 6-моддасида давлатлар болаларнинг никоҳлари ва қўзларнинг жинсий балогатга етмай туриб унаштириш тақдирлигини ва энг ҳам никоҳ ёшини аниқлаш мақсадида самарали чоралар, шу жумладан қонунчилик чоралари қўрилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, никоҳланмиш розилик, никоҳ ёши ва никоҳларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ белгиланган ёшга етмаган шахс билан никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, ваколатли ҳокимият органи никоҳлануви томонларнинг манфаатлари йўлида бу қрида жиддий сабабларга қўра истисно қилишга рухсат берадиган ҳўлат бундан мустасно, деб белгилан қўйилган.

Жўнинг 125-моддаси билан қўзғатилган жўноят ишларини тергов қилишда, терговчилар жўноят-процессуал қўнў

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида «Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошланади» мавзусида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, шифокорлар иштирок этди.

ҚУТЛУҒ ОСТОНА

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар жараёнида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни тобора юксалмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бу жабҳадаги ишлар кўлами янада кенгайётди.

Бугунги кунда маҳаллаларимиз аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, бандликни таъминлаш, ёшларни етук ва баркамол этиб вояга етказиш, жамиятимизда бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик-тотувликни таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этаётди. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида маҳаллаларимизда маънавий-маърифий муҳит мустаҳкамланмоқда, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олди олинаётди, шаҳар ва қишлоқларимиз тобора чирой очиб бораётди.

«Дўмбиробод» — пойтахтимизнинг ана шундай сўлим ва файзли маҳаллаларидан биридир. Қарийб ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада дав-

лат дастурида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётди. Маҳаллада ҳар бир вазифани жамоатчилик иштирокида ҳал этишга эътибор қаратилади. «Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси асосида олиб борилаётган чора-тадбирлар ёшлар камолотида хизмат қилмоқда.

— Маҳалламизда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ҳамда тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда саломатлик, бандлик, таълим-тарбия, оилалар билан ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаол иш олиб бормоқдамиз, — дейди «Дўмбиробод» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбар Топилова. — Бу тадбирлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада тақомиллаштириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлаётди.

Анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишларнинг натижалари таҳлил этилди ва истиқболдаги вазифалар белгиланганлиги.

Моҳирур РАВШАНОВА

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Т.Орипов, Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори С.Рашидова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фан тараққиётини юксалтириш, бу борада халқаро алоқаларни кенгайтириш, янги ишланмаларни ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этишга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Бу йўналишда олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли илм-фаннинг барча йўналишлари, жумладан, полимерлар кимёси ва физикаси соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар барча соҳалар, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, фармацевтика каби соҳалар тараққиётида муҳим аҳамият касб этаётди. Бу борадаги изланишлар натижасида табиий ва синтетик полимерлар ва уларнинг аралашмалари асосида ўсимлик уруғларини капсуллашнинг замонавий технологияси яратилди. Ушбу янги усулда жорий йилда икки юз минг гектардан ортиқ майдонга чигит экилди.

Институт олимлари тиббиёт соҳасини ривожлантиришга ҳам муносиват қилиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу йўналишда маҳаллий хомашё асосида яратилган, вирусларга қарши юқори самардорликка эга «ЦелАргипп» препарати тиббий-биологик синовлардан муваффақиятли ўтди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди.

Институтда замонавий илм-фаннинг муҳим ва истиқболли йўналиши бўлган нанотехнологиялар соҳасида ҳам самарали лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу соҳадаги изланишлар юқори кўрсаткичларга эга композицион полимер материаллар олиш имконини беради.

Илмий изланишлар жараёнида мамлакатимиз ва хориждаги етакчи илм-фан марказлари, йирик саноат корхона-

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг замонавий билим олиши ва юқори ижодий ҳамда интеллектуал салоҳиятга эга рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мактаб таълимининг янада тақомиллаштириш, педагоглар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎҚИШ ВА ЎҚИТИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим-тарбия самардорлигини ошириш, энг яхши педагогик тажрибани оммалаштириш мақсадида пойтахтимиздаги барча мактабларда семинар-тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда мазкур таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, фаолият кўрсатаётган услубий бirlашмалар, педагоглар жамоаси ва ўқувчиларнинг ютуқлари намоийш этилмоқда.

Тошкент шаҳридаги қатор мактабларда ўтказилган тақдиротларда ўқув-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётгани таъкидланди. Ўқувчилар интерфаол ва интеграциялашган дарсларда турли электрон энциклопедиялар, тренажёрлардан фойдаланиши, ўқув фильмларини томоша қилиши мумкин. Бу эса ўқув жараёнини фаоллаштириш, ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг инсон фаолиятининг турли соҳаларига оид замонавий билим олишга қизиқишини оширишга ёрдам бераётди. Хусусан, пойтахтимизнинг Мирзо Улўбек туманидаги 208-умумтаълим мактабида ўтилаётган медиа-дарслар базаси математика, табиатшунослик, она тили ва адабиёти, бошқа фанлар бўйича 568 дарсдан ташкил топган. «Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини жонлантириш» мактаб педагогларининг асосий шioriдир. Болалар дарсларни ўзлаштиришдан ташқари, ўз қизиқиши бўйича фан тўғрисида билимининг

оширмоқда, спорт секцияларида шуғулланмоқда.

Тошкент шаҳридаги барча мактабларда «Ўқиш ва ўқитиш», «Уста-шогирд» услубларидан фойдаланилмоқда. Уларда маҳоратли ўқитувчилар малакасини ошириш бораборида ўз тажрибасини ёш ҳамкасбларига ўргатмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнда қабул қилинган «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ўқув муассасалари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан фаол ҳамкорлик қилаётди.

Мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, тегишли янги давлат стандартлари ва талаблар ишлаб чиқилган. Уларга мувофиқ хорижий тиллар ўқитувчилари малакасини босқичма-босқич ошириш дастури жорий этилди, лингвистик синфлари жиҳозланди.

Хар бир тақдирот натижалари бўйича ишлаб чиқариладиган истиқболли режада ўқувчиларнинг билими сифатини янада ошириш, мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва интерфаол дарслар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА мухбири



Маънавият

САДОҚАТ ВА ҒАМХЎРЛИК ТИМСОЛИ

Яқинда, Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси билан «Санъат-Маъно» студиясида тасвирга олинган «Пойта» бадий фильмининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Узоқ йиллардан бери йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида самарали ишлаб келаётган фидойий ва ҳалол инсон калитан Ботир Холматовнинг ҳаёти фильмининг асосий гоёсини ташкил қилади. У эртадан-кечгача ишда бўлсада, оиласига бўлган садоқати ва ғамхўрлигини бир зум бўлсада унутмайди. Яқна-ю, ёлғиз қизининг одобли, ўқимшли инсон бўлиб улғайиши учун ҳаракат қилади.

Шаҳарнинг Ботир Холматов хизмат қилаётган ҳудудда бир гуруҳ қонунбузарлар яширин тарзда машиналар пойгагини уюштириб, одамларни безовта қилаётгани маълум бўлади. Тинч-тинчимас капитан ҳамкасблари билан бирга қонунбузарларни қўлга олиш режасини ишлаб чиқади. Шундан сўнг воқеалар шиддатли тус олади. Бу ишга унинг қизи Одилла ҳам аралашиб қолади.

Инсон онгу тафаккурининг яхшилик, эзгулик билан бойишида унга китоблар дунёси, куй ва қўшиқлар жамланмиси, яхши кинолар олами, газета ва журналлар мутлоаси яқиндан ёрдам беради. Айниқса маънавий жиҳатдан юксак, савияси юқори даражадаги кинолар кишиларни фикр ва мулоҳаза юритишга, иймон-этиқод билан яшашга ва ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишишларида муҳим омил бўлади.

Фильмда ўзбек оилаларида шаклланган эзгу қадриятларни эъзозлаш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, самимий севги-муҳаббат, ҳалоллик, тўғрилиқ каби ғазилатларга кенг ўрин берилган.

Бадий фильмин томоша қилар экансиз қалбингизни ғурур ва ифтихор туйғулари қамраб олади. Ўзбекистоннинг кичкиналигидан то вояга етгунча боччага, мактабга олиб борган ва институтда ҳам доимо келиб кетишини назорат қиладиган меҳрибон оталарга хос ғазилат фақат биз ўзбекларгагина хосдир.

Фильм қаҳрамонлари Йигитали ва Асал ижроларида ҳам ўзбек менталитетига хос хусусиятлар орият ва виждон, шари ва ҳаё ишонарли тарзда очиб берилган.

Нима бўлганда ҳам яна битта янги кино яратилди. Ўзбек халқининг ўз касбига садоқати, фарзандларига ҳеҳис меҳри, қизларга хос ғазилат, йигитлардаги шикоят ва тўғрилиқ, миллатимизга мансуб характерлар кинонинг мазмун-моҳиятини ташкил қилган.

Кино намойишидан сўнг журнал-листлар фильм ижодкорларидан ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида полимерлар ҳақидаги фаннинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, тадқиқотчилар, ишлаб чиқарувчилар ҳамда хорижлик мутахассислар иштирок этмоқда.

лари билан йўлга қўйилган алоқалар ўз самараларини бераётди.

Институт жамоаси мамлакатимизда анъанавий тарзда ташкил этилаётган Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида фаол иштирок этиб, илмий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлаб

бири. Унинг саратон касаллигини даволашда юқори самардорликка эга дори воситасини яратишга оид лойиҳаси қўлаб мутахассисларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

— Мамлакатимизда илм-фани жадал ривожлантириш борасида яратилган кенг шариот ёшларнинг ўз интилишларини рўёбга қикариши, фаннинг долзарб муаммоларини ҳал этишга ўз улушини қўшишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига А.Отахонов. — Институтиимиз лабораториялари тадқиқотларни амалга оширишда қўлланиладиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидаги нуфузли марказлар билан ўрнатилган ҳамкорлик илм-фан ютуқлари билан яқиндан танишиш, шу билан бирга изланишларимизни намойиш этишга хизмат қилмоқда.

Уч кун давом этадиган халқаро илмий-амалий анжуман фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт соҳалари билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш, илмий ихтироларни саноат миқёсида жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва полимер материаллар яратиш борасидаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда олим ва мутахассислар ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Б.ХИДИРОВА

ҚАЛБ ҚЎРИДАН ОЛАР ҲАРОРАТ

Юнусобод туманидаги ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш, уларни тиббий-ижтимоий, маънавий ва маънавий масалаларда беминнат қўлаб-қувватлаш борасида давлат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларда кўмак бериш Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Юнусобод туман ташкилоти «Меҳр-шафқат» хизматининг асосий мақсад ва вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда ташкилотда фаолият кўрсатаётган 2 нафар «Меҳр-шафқат» ҳамширалари меҳрга муҳтож ҳеч кими йўқ ёлғиз қариялар ҳолидан доимий хабар олиб, уларнинг уйлари саранжом-сарништа қилиш, зарур бўлганда овқат тайёрлаш, бозор-ўчаларини қилиш ва бошқа маънавий ишларда кўмаклашиб келмоқдалар.

Шунингдек, аҳолига қараб шифокор чақириб, дориҳонага чиқиб келиш, шифокор кўригидан ўтказиш билан бирга тиббий муолажалар қилиш каби ишларда ҳам туман тиббиёт муассасалари ходимларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Байрамларда ташкилот томонидан ажратилган совғаларни олиб бориб, қарияларнинг қувончига шерик бўлганларида кечгача касб-ҳунар коллежларида талабаларнинг завқини сурган ёш ҳамширалар ўз касбларига бўлган масъулиятлари янада ошади. Улар нафақат ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларга қараш балки, ҳар хил тадбирлар, мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказишда ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги, 2013 йил «Обод турмуш йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 150 йиллиги муносабати билан режалаштирилган тадбирлар қаторида тумандаги 274, 265, 86-сонли мактаблар қошида ташкил этилган ёзги дам олиш оромгоҳларида тарбияланган болажонлар иштирокида жадал асосида маданий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Дам олувчилар билан семинар-суҳбатлар уюштирилиб, уларга Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти тўғрисида, шахсий гигиена, юқумли касалликларнинг олдини олиш, биринчи ёрдам кўрсатиш ва бошқа мавзуларда тушунтириш ишлари олиб борилади. Бу ишларда ҳам «Меҳр-шафқат» хизмати ҳамширалари бош-қош бўлиши.

Мавлуда СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Юнусобод туман ташкилоти «Меҳр-шафқат» ҳамшираси

ИЖОДИЙ МАҲОРАТЛАРИ ЮКСАЛДИ

«Infolib Uzbekistan» II Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги — жорий йилда мамлакатимизда иккинчи бор ташкил этилди. Ҳафталик Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилди.

«Infolib Uzbekistan» ҳафталигининг бу йилги дастури ўтган йилдаги нисбатан анча кенгайтирилди. Унинг доирасида Миллий кутубхонамизда 30 дан ортиқ тадбир ташкиллаштирилди. Хусусан, ҳафталигининг тўртинчи куни «Танловлар куни» деб эълон қилинди. Пойтахтимизнинг ўнлаб ёшлари кун тартибидан жой олган мусобақа ва беллашувларда иштирок этишди.

Ҳақиқатан ҳам «Танловлар куни» пойтахтимизнинг изланувчан ёшлари бир ерда жамул-жам бўлишга ажайиб имконият яратди. Ўтказилган кўрик-танловлардан бири «Адабиёт билмидони» виқторинаси бўлди. Беллашув шартларига кўра иштирокчиларнинг жаҳон мумотоз адабиётига оид билимлари синовдан ўтказилди. М.Валиева, Ж.Норбўтаев, М.Имомназарова, И.Аюпова бадий асарларни синчковлик билан ўқиганликларини исботлаб, голиблик шохсупасига кўтарилдилар.

«Кутубхона ҳақидаги энг яхши иншо» танловининг ўтказилиши ёшлар орасида мутлоаа ёрдамида муваффақиятга эришиш гоёсини тарғиб қилди. Иштирокчиларга адабий тил меъёрларга амал қилиш, ижодий маҳоратга эга бўлиш, ўй-фикрларни бадий ифодада олиш сингари талаблар қўйилди.

Пойтахтимизнинг ёш шахмат усталарини «Танловлар куни» кутубхонанинг «Адолат» ўқув залига чорлади. Ўтказилган шахмат турнирида машҳур спорт усталари ҳакамлик қилди. Тадбирда шахмат бўйича нашр қилинган янги китоблар ва шу мавзуга оид журналлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Моҳларойим ҚАЮМОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида «Бугунги кун муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси илм-фан, таълим, маданият, диний-маърифат ва хотин-қизларнинг маънавий манфаатларини муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, филология фанлари номзоди Моҳиба Ҳамидова, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ижтимоий психологик марказ раҳбари Зухра Сирожиiddинова, мазкур университетнинг халқаро журналистика факультети ўқитувчилари ҳамда талаба-қизлар иштирок этишди.

Тадбирда бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлган «оммавий маданият», кийиниш маданияти, тўй маросимлари, қайнона-келин муаммолари ва унинг сабаблари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси Моҳиба Ҳамидова ўз сўзида қизларнинг ёш турмушга чиқиши, мол-дунё, зебу зар учун ёши катта эркаклар билан оила қуриши ва бунинг оқибатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ҳозирда қизларнинг оила қуриш ёшига етмасдан турмушга чиқиши ва муомала маданиятини билмаслиги натижасида ажримлар сони кўпайган, — дейди М.Ҳамидова. — Қизларни оила қуришдан олдин уларга оила аъзолари, қайнона-қайнотаси билан қандай муомалада бўлиш кераклигини ўргатиш лозим. Ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни назорат қилиш учун маҳаллалардаги ёши катта онахонларни жалб қиламиз. Қолаверса биз, мактаб, коллеж ва олий ўқув даргоҳларида «Ораста қизлар» тўғрагини ташкил қилганмиз. Бунда қизларимиз соғлом турмуш тарзини яратиш йўл-йўриқлари, поклик, орасталик, саранжом-сарништаликни ўрганишади.

Давра суҳбатиде иштирокчилар фойдали маслаҳатлар билан бирга ўзларини қизиқтирган саволларга етарлича жавоб олишди.

Оқила БАХРОМОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «QUTLUG' SAVDO» МЧЖ (ИНН 301090237) «SHARUS TRADING PLUS» МЧЖга (ИНН 301089616) қўшилаётганлигини маълум қилади.

«QUTLUG' SAVDO» МЧЖга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида кўриб чиқилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор 7-мавзе, Муқимий кўчаси, 5-уй. Тел.: 277-52-70.

АНОР МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Мамлакатимизда машҳур куллоллар сулоласи бўлган Раҳимовлар хонадонидан навбатдаги кўргазма очилди. Бу сулолага мансуб уста ҳунармандларнинг ишлари турфа хиллиги, гўзаллиги, ўзига хос услуби билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳурдир. Кўргазмада намойишга қўйилган икки юздан ортиқ ишларни умумлаштирувчи жиҳат — бу анор мавзусидир. Одамлар орасида анор Шарқ тимсоли, донолик, тўкин-сочинлик ва бирлик рамзи ҳисобланади. Раҳимовларнинг сўзларига кўра, улар анор мавзусида кўргазма ташкил қилиш ғоясини анчадан бери ўйлаб юришган. Тадбирга таширф бўлган меҳмонлар бу ғоя ва унинг амалдаги ифодаси жуда муваффақиятли чиққанини таъкидлашди.

Экспозицияга икки юздан ортиқ асарлар қўйилган бўлиб, улар орасида аввал ҳам намойиш этилган алоҳида ва туркум асарлар мавжуд. Масалан, сопол вазалар, кўзалар, турли идишлар, шунингдек, миллий услубда ишланган ўзбек куллолчилиги анъанавий услубларини қайта тиклаган бетакор намуналар шулар жумласидандир. Кўргазмада тамоман янги ишлар ҳам намойиш этилди. Хусусан, Алишер Раҳимовнинг сополдан ишланган қора рангли, безакли идишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Сопол идишлардаги турфа ранглар, услублар, шакл ва ҳажмларда ишланган анор тасвири бугунги кўргазманинг асосий мавзусидир. Бу ерда сўзана нақшлари, абстракт расмлар, идишларга туширилган тасвирилар — ҳаммасида Шарқнинг асосий рамзи саналган анор тасвири кўриш мумкин.

Мазкур кўргазма очилишига таширф буюрган расмолар, санъатшунослар, моҳир усталар, дипломатик корпус вакиллари ва халқ амалий санъатининг кўпқабатли ижтимоий кўргазмани юқори баҳолашди. Ишланган нафақат тайёр куллолчилик маҳсулотлари, амалий санъатнинг юқори сифатли намуналари, балки алоҳида бир хонада уларни тайёрлаш жараёнида ишлатилган хомашёлар, бўёқларни ҳам кўриш имкониятига эга бўлишди. Кўргазма хонасида меҳмонлар ижодкорларга ўзларининг эзгу тилакларини ёзиб қолдиришлари мумкин бўлган катта ваза ҳам қўйилган эди.

«Туркистон-пресс»

Долзарб мавзу

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ!

Шаҳримиз кўчалари, хиёбонлари олтин рангга бурканган — олтин куз ўз ҳукмини ўтказмоқда. Фарқ пишиқчилик фасли ўз неъматларини саҳийлик билан инъом этаётган шу кунлар таровати ҳукм сураётган маъмурчиликдан ҳаммамиз мамнунмиз. Ойла давраларида кўпроқ витаминли неъматларни тановул этишга ҳаракат қилинса, уй бекалари уларни қишга асраб қўйиш ташвиши билан куймаланадилар.

Ха, олтин куз тўкин-сочинлик, кут-барақа фасли. Айни пайтда ёз бўйи соя-салқин солиб турган дов-драхтар барглари сарғайиб, ерга тўкила бошлади. «Хазонрезгилик» бошланиб, тўкилаётган барглари йиғиштириб олиш ишлари бошланди. Хайриятки, бу иш ҳозирда махсус ташкилотлар, маҳалла фаоллари ва аҳоли томонидан уюшқоқлик билан саранжом-саришталликда адо этилмоқда.

Шу билан бирга, гоҳ у ер, гоҳ бу ерда шаҳримизнинг у бурчаги ёки бу бурчагида хавфли тутун осмонга ўрлаётганининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Баъзан аччиқ тутун димоғларига урилган ҳамшаҳарларимизнинг нозузи оҳандаги ҳақли эътирозларига ҳам дуч келамиз. Ҳақиқатан ҳам шаҳримизнинг мусофҳо хавосини бузадиган, одамларимизни, айнақса, болажонларимизнинг нафас йўлларига зарар етказадиган бундай тартибсизлик ҳар биримизнинг дилчимизни ранжитади. Табиатга зарар етказишдан ўзини тия олмайди-ганлар ҳали ҳам орамизда топилишидан хафа бўлиб кетасан, киши.

Агар хазонларни йиғиштириб махсус жойларга тўплаш, уларни керакли жойга ташиб кетилишини кутишга сабринг чидамаса, кўпчилик кўнглини хира қилувчи хазонларни йўқотишга ошиқиш — халқимизнинг синналган усулларига мурожаат этиш мумкин-ку? Хазонларни тўплаб, чуқур казиб қўйиш ва уни чири-тиб, гўнг сифатида фойдаланиш қанчалар фойда келтиришини кексаларимиз яхши билишади. Табиий «ўғит» ҳам ўсимликларга озуқа бўлса, ҳам табиат мусофҳолигини асрашга хизмат қилади.

Ха, доимо халқимиз урф-одатларини қадрлаш, уларга риоя этиш шаҳримизни хазонлардан тозалаш ва

унинг ҳавоси мусофҳолигини асрашда айнан қўл келади. Хазонларни ёқиш эса пойтахт экологиясини бузибгина қолмай, минглаб аҳоли соғлиғига жиддий зарар етказиши. Зеро, ёз бўйи йирик санат корхоналари, транспорт воситаларидан чиқарилган зарарли газлардан «тўйинган» барглар ёндирилганда улар табиати заҳарлаб, одамлар, айнақса, мурғак фарзандларимиз нафас йўлларида заҳарлайди, саломатликларига жиддий зарар етказиши.

Ўз фарзандимиз, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларимиз, ҳамшаҳарларимиз, бир сўз билан айтганда, бутун бир инсониятга, табиатга, атроф-муҳитга етказилган зарарини қоплашга қодир бўла оламизми? Йўқ албатта! Мутахассислардан олинган маълумотларга кўра, бир тонна чириётган ўсимлик чинчиллари атроф-муҳитга 30 килограммга яқин углерод газ ва бошқа канцероген моддаларни чиқариши. Агарда хазонлар тўпламга жиддий идиш, полиэтилен пакетлар, линолеум парчалари қўйиладиган бўлса ёниш жараёнида ундан 75 га яқин муайян заҳарли, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Хазонларни ёқишдан ўзингизни тийинг. Кимдир шу ишга қўл ураётганини кўриб қолсангиз уни дарҳол тўхтатинг! Ахир биз учун энг муҳими — инсон саломатлиги ва табиатимиз мусофҳолиги эмасми? Шундай экан, ўзимиз яшаётган, нафас олаётган атроф-муҳитга меҳр билан қараш, уни асраш ҳаммамизнинг бурчимиз, олий вазифамиз эканлиги доимо ёдимизда бўлсин!

Мадина МУСАЕВА,

Саломатлик ва тиббий статистика институти,
Тошкент шаҳар филиали шифокори

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТЛИКЛАР — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида каратэ-до бўйича уюштирилган Ўзбекистон Кубоги беллашувлари якунига етди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган энг иқтидорли ва умидли каратэчилар ғолиблик учун турли вазн тоифаларида ўзаро кураш олиб боришди.

Айтиш жоизки, ҳар бир вазндаги беллашувлар мурасасиз, қизиқарли кечди. Унда пойтахтлик спортчиларнинг маҳоратлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Шу боис ҳам якуни

да умумжамоа ҳисобида турнир шохсупасининг энг юқори поғонасига Тошкент шаҳри жамоаси лойиқ қўрилди. Фахрли иккинчи, учинчи ўринлар эса андижонлик ва наманганлик спортчиларга насиб этди.

Энди мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар Ўзбекистон терма жамоаси сафида Дубайда уюштирилган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Мустақиллик шарофати туфайли спортнинг барча турлари қатори шайбали хоккей ривожига ҳам катта эътибор қаратиляпти.

ДЕБЮТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЧИҚДИ

Шу туфайли ҳам ўтган асрнинг 70-80 йилларида пойтахтимиз шарафини собиқ иттифоқ чемпионатининг биринчи лигасида муваффақиятли ҳимоя қилган «Бинокор» хоккей жамоаси яна қайтадан тиклиниб фаолият бошлаган эди.

Яқинда Қозғистоннинг Чимкент шаҳрида шайбали хоккей бўйича уюштирилган халқаро турнир «Бинокор» учун муваффақиятли якунланди. Халқаро турнирдаги ilk дебютини ушбу мусобақада ўтказган «Бинокор» рақиблари

рени мағлуб этиб, ярим финалда Қирғизистоннинг «Олатов Дурдов» жамоаси билан куч синашди ва рақибини 6:3 ҳисобида енгиб турнирнинг бронза медаллари билан тақдирланди.

Кувонарлиси шундаки, «Бинокор» аъзоси Алишер Азимов мусобақа ташкилотчилари томонидан турнирнинг энг яхши ҳимоячиси деб топилди.

Энди «Бинокор» жамоаси Қирғизистон ҳамда БААда шайбали хоккей бўйича уюштирилган халқаро турнирларда иштирок этиди.

ВЕЛОСПОРТЧИЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

Эронда велотрек бўйича ўтказилган Осиё Кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Тошкентта совриндор бўлиб қайтишди.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этган спортчиларимиздан Темир Гумеров кумуш медалини кўлга киритган бўлса, халқаро мусобақаларда бир неча марта зафар қучган Владимир Тўйчиев бронза медали эгасига айланди. Шунингдек, яна 5 нафар спортчимиз турнирда учинчи ўрин соҳиби бўлиб бронза медаллари билан тақдирланди.

Абкар ЙЎЛДОШЕВ

Ҳозирги кунда юртимизда кўзни қувонтирадиган бир қанча замонавий бинолар ва уйлар барпо этилиб шаҳримиз фирқаларининг яшаш уйлари ённинг хавфсизлиги қондаларига риоя этилмасдан қурилганлиги сабабли ённинг бир уйдан иккинчи уйга ҳам тарқалиши кузатишмоқда.

ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИ

Сергели тумани Безакчи кўчасида истикомат қилувчи Жамшид 2013 йил 10 мартада куннинг қаттиқ совуқлиги натижасида печкага қўшимча равишда резина шланка орқали газ қурилмасини ўчирмасдан соат тахминан 23:00 ларда фарзандлари билан улагани ётади. Ширин уйқуда ухлаб ётган Жамшид соат тахминан тонги 04:00 да тутун хидидан уйғониб ётоқхонасида ёнғин бўлаётганлигини кўриб, тезда уйдаги оила аъзоларини уйғотиб, кўчага чиқаришди. Ёнғин бир пасда кучайиб Жамшидларнинг уйнинг том қисмидан Икром ақанинг ҳам уйи том қисмига йўналган эди. Ёнғин тўғрисида хабар топган қўшнилар тезда ёнғин хавфсизлиги ходимларига телефон қилишди. Ёнғин ўз вақтида бартараф этилиб, Икром ақанинг яшаш уйи ички жиҳозлари ва қурилиш элементлари, уй жиҳозлари сақланиб қолди.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳар бир фуқаро уйларида қуриш вақтида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиши лозим. Ваҳоланки, ўз ишининг мутахассислари бўлган газ ва электр ходимларини қақариб, қурилмаларини тўғри ўрнатиб ишлашини вақтида қўриқдан ўтказиб туриши нафақат соғлиғини балки моддий бойликлари ҳам асраб қолган бўлади.

Файзулла РАХМОНҚУЛОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 10 декабрь кунини соат 11:00 да, Тошкент шаҳар, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан 2013 йил 18 октябрь кунини 10-1304/15521-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 315 SAA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 006 813,60 сўм.

2013 йил 26 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Олмазор туман СИБ томонидан 2013 йил 13 майдаги 15356-82-ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 668 CBA бўлган «ISUZU SAZ NQR71PL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 54 707 000 сўм. 2. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 936 CBA бўлган «ISUZU SAZ NQR71PL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 482 000 сўм. 3. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 080 WBA бўлган «ISUZU SAZ NQR71PL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 63 735 000 сўм. 4. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 965 QBA бўлган «Газ-172412» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 239 000 сўм. 5. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BC 983 бўлган «Газ-2705-14» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 29 431 000 сўм.

II. Ҳамза туман СИБ томонидан 2010 йил 21 июндаги 1-33/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 14 M 5590 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 494 000 сўм. III. Миробод туман СИБ томонидан 2013 йил 17 апрелдаги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ да сақланаётган, 1997 йилда и/ч дав. бел. 10 F 2849 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 064 740 сўм. IV. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан:

1. 2010 йил 18 январдаги 447/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Яккасарой тумани, Қушбеги, 305-уйда сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 393 FAA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 030 000 сўм. 2. 2012 йил 6 мартдаги 279/3-сонли ва 2012 йил 11 январдаги 587/11-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Инвест» жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 915 HAA бўлган «Капитива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 000 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон қилган кундан бошлаб ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхта-тилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мир-эро Улугбек филиалдаги қуйидаги ҳисоб рақамига:

тўлашлари шарт: 20208000804948004002; МФО 01018; СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар, ЖИБ Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м. фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 129 047 025 сўм.

Савдо 2013 йил 25 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушиш вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2013 йил 22 ноябрь кунини соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Koshamas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАТБ СТИР ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (371) 232-11-39. Манзиллими: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ўзгидромет

Узгидрометнинг мушторчи хизмати маълумотида кўра, 8 ноябрда Тошкент шаҳрида

Тошкент шаҳрида 8 ноябрь кунини ҳаво ўза-риб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан се-кундида 3-8 метр тез-ликда шамол эсади. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг бир оз йиғили-шига имконият ярата-ди. Атмосферанинг иф-лоқлиги даражаси 1-3

Ҳарорат кечаси — 3-5, фойз қўнайиши тахмин кундузи — 14-16 дара-жаси бўлади.

Тошкент ОКШОМИ

Манзиллими: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39